



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024
2/2-сон



МУНДАРИЖА:

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Соҳибназар Каримов Тасаввуф таълимотида тарбия хизмати масаласи	5
Diyor Haqberdievich Xolmamatov Ulgurji savdoni iqtisodiyotdagi o‘rni va ahamiyati bilan bog‘liq ilmiy-nazariy qarashlar	11
Shohida Kamoliddin qizi Jo‘raboyeva Eksport salohiyati tushunchasining konseptual asoslari	15
Rustam Nuridinovich Jiyamuratov Hududiy eksport salohiyatini oshirishga oid nazariy yondashuvlar	22
РАҚАМЛИ ВА ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ	
Ziyobidin Shaminovich Suvonov Sun‘iy intellekt va uning imkoniyatlari	27
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Фарход Бахриддинович Ахроров Ўзбекистонда ер ресурсларини баҳолашнинг экологик-иқтисодий услубияти	31
Shexroza Madjitovna Karimova Qovoq – funksional oziq-ovqat mahsulotlari ishlab chiqarishda istiqbolli xomashyo	36
ТАДБИРКОРЛИК, МЕХНАТ, БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Феруза Асатовна Ишонкулова Необходимые условия для успешной деятельности предпринимательства в Республике Узбекистан	39
Rahmatillo Miralimovich Egamov, Rushona Sheraliyevna Husainova Hududiy iqtisodiyotning rivojlanishida kichik biznes va xususiy tadbirkorlikning o‘rni	45
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС	
Сарвар Аюбовна Исхакова Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда тadbirkorlikнинг салоҳиятидан фойдаланиш имкониятлари	49
Zoxid Sobirovich Axmedov Transport logistikasi xizmatlari samaradorligini oshirishda innovatsion jarayonlarning qo‘llanilishi	53
Обид Мамаюнович Пардаев Хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштириш ҳисобига маҳаллалар ободлигини таъминлаш масалалари	57
Фарход Анварович Сафаров Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг комплекс стратегик таҳлилинини TOWS-матрицаси ёрдамида амалга ошириш имкониятлари	60
Orzujon Mamasoliyevich Rajabov Logistika xizmatlari samaradorligini oshirishda raqamli texnologiyalardan foydalanish	65
Bekzod Maxsudovich Abdumannonov Ekologik toza jamoat transportidan samarali foydalanish – avtomobillar tirbandligini bartaraf etishning kafolatidir	70

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС

Сарвар Аюбовна Исхакова – СамИСИ, Рақамли иқтисодиёт кафедраси доценти (PhD)

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТАДБИРКОРЛИКНИНГ САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Аннотация: мақолада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда тадбиркорликнинг салоҳиятидан фойдаланиш имкониятлари таҳлил қилинган. Унда хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган ва соҳада тадбиркорликни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, тадбиркорлик фаолияти, тадбиркор, хизмат кўрсатиш соҳаси, хизматлар, сервис.

Кириш. Бугунги кунда хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг энг истиқболли ва жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Фаолиятнинг кенг доирасини ўз ичига олган хизмат кўрсатиш соҳаси замонавий иқтисодиётда муҳим роль ўйнайди, янги иш ўринлари яратиш, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий фаровонликни оширишга ёрдам беради. Анъанавий ишлаб чиқариш тармоқларидан фарқли ўлароқ, бу сектор ўз мижозларига молиявий, таълим, соғлиқни сақлаш, технология, меҳмондўстлик, туризм ва бошқалар каби турли соҳаларда хизматлар кўрсатишни қамраб олган номоддий ечимларни тақдим этишга қаратилган.

Хизматлар соҳаси дунёнинг кўплаб мамлакатлари ялпи ички маҳсулотининг асосий манбаи ҳисобланади. ЯИМдаги хизматларнинг улуши мамлакатнинг иқтисодий тузилиши ва ривожланишидаги фарқларни акс эттиради. Хизмат кўрсатиш соҳасига сармоя киритиш ва уни қўллаб-қувватлаш орқали давлатлар иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда ва ўз фуқаролари учун фаровон келажакни таъминлашга эришишлари мумкин.

Хизмат кўрсатиш соҳасидаги улкан салоҳият уни барқарор иқтисодий ўсишнинг ишончли манбаига айлантиришга ва иқтисодий ўсишнинг ташқи иқтисодий конъюнктурага боғлиқлигини пасайтиришга қодирдир.

Ушбу соҳани иқтисодиётнинг етакчи секторига айлантириш истиқболлари кўп жиҳатдан ушбу соҳада тадбиркорлик фаолиятини, айниқса кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш билан узвий боғлиқдир. Чунки хизматлар, асосан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилади. Республикамизда кичик тадбиркорликни ривожланиши ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишлардан бири эканлиги ва шу сабабли юқори суръатларда ўсиб бориши хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. У соҳада рақобатнинг кучайишига, хизматлар турининг кенгайиши ва сифатининг яхшиланишига ёрдам беради.

Шу сабабли, тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини ўрганиш ва илмий асослаш ва хизмат кўрсатиш соҳасида намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи сабабларни ўрганиш жуда долзарбдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Иқтисодиёт назариясида "тадбиркорлик" тushунчаси XVIII асрда товар-пул муносабатларининг хусусиятларини, бозор муносабатларининг шаклланиш шарт-шароитларини, бу жараёнларда давлатнинг ролини ўрганиш классикларнинг диққат марказида бўлган. Тадбиркорлик муаммолари, самарали бизнесни ташкил этиш йўллари ҳозирги замон иқтисодий адабиётларида ҳам кенг муҳокама қилинади.

Тадбиркорлик тараққиётини тадқиқ этишнинг илмий, назарий асослари ва усуллари А.Смит, Й.Шумпетер, Х.Гросс, Р.Бруксбенк, В.Хюбнер, Р.Хизрич, М.Питерс, А.Хоскинг, Г.Жоунз, Л.Абалкин, В.Абчук, А.Бусыгин, Ю.Осипов сингари хорижий олимлар тадқиқотларида кенг ёритилган.

Бизнинг ёш иқтисодиётимизда тадбиркорлик фаолиятининг шаклланиш ва ривожланишининг хусусиятлари борасидаги илмий ишланмалар ички адабиётларда ҳам мавжуд. Республикада бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг умумназарий, минтақавий ва тармоқ муаммолари Абдуллаев Ё., Гуломов С., Ходиев Б.Ю., Муфтайдинов Қ. каби бир қатор республикамиз олимларининг илмий ишларида кенг ёритилган

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида тадбиркорлик фаолиятига ва бу жараённинг қонуниятларига янгича қарашни шакллантириш ва ривожлантиришга ёндашувларни муайян даражада мослаштиришни талаб этади. Бизнинг фикримизча, иқтисодиётнинг етакчи секторига айланиб бораётган хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос хусусиятларнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш лозим.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотнинг методологик асосини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш соҳасидаги қонун ости ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, хусусан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги ПФ- 60-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5113-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Худудларнинг жадал ижтимоий- иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон Қарори, шунингдек 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила-тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги ПҚ-3777-сон қарорлари олинди. Шунингдек, мазкур фармон ва қарорларда белгиланган иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттиришнинг асосий йўналишлари юзасидан таклиф ва тавсиялар ҳамда тегишли статистик маълумотларни йиғиш ва уларни қайта ишлашда замонавий статистик усуллар ва кузатувлар, қиёсий ва тизимли, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усулларида кенг фойдаланилади.

Таҳлил ва натижалар. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳаси жадал суръатлар билан ривожланди. Республикада хизматлар соҳасини тез суръатлар билан ривожлантириш Тараққиёт стратегиясининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.¹

Ўтказилган тизимли ислохотларнинг самараси ўлароқ, мамлакатимиз ЯИМи таркибида 2019-2023 йиллар мобайнида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 39,6 фоиздан 43,4 фоизгача кўпайганлиги, шунингдек иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг умумий сонидан хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли улушининг 35,6 фоиздан 50,5 фоизгача ошганлиги² диққатга сазовор. Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасининг «...аҳоли ўртасида ишсизликни камайтириш, одамлар ва оилаларнинг даромадини ошириш...»³ каби ўта долзарб вазифаларни ҳал қилишда роли беқиёс.

Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳасида юз бераётган ўзгаришлардан бири - соҳада кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сон жиҳатидан кўпайиши ва фаолият турлари жиҳатидан кенгайиши ҳисобланади. Бунинг сабаби, бир томондан, хизмат кўрсатиш соҳаси объектив ва субъектив омиллар таъсиридан келиб чиққан ҳолда, кичик ва хусусий бизнес фаолияти учун жуда жозибадор бўлиб ҳисобланади. Иккинчи томондан, республикамизда кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ижтимоий-

¹“2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 28.01.2022 йил, ПФ № 60.

²Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг расмий сайти. [Электрон ресурс]: URL:www.stat.uz. (кириш санаси: 20.04.2024).

³Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. uza.uz.

иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири эканлиги ва шу сабабли юқори суръатларда ривожланиши ҳисобланади. Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик ва хусусий тадбиркорликнинг тез суръатлар билан ривожланиши соҳада рақобатнинг кучайишига, хизматлар турларининг кўпайиши ва сифатининг яхшиланишига ва энг муҳими - хизматлар нархининг пасайишига ва уларга талабнинг ошишига ҳамда кенг халқ оммасининг хизматлардан фойдаланиш имкониятлари ошишига ва ниҳоят, хизмат кўрсатиш соҳаси фаолияти самарадорлигининг ошишига ёрдам беради. Кичик корхоналар бозордаги талаб ўзгаришларига тез мослаша олади, хизмат турларини тез ўзгартириш, ресурслардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни қисқа муддатда ва катта йўқотишларсиз ўзгартириш имконига эга бўлади.

Кичик тадбиркорликнинг ушбу афзалликларидан фойдаланган хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари моддий ишлаб чиқариш корхоналарига нисбатан кўпроқ рақобатбардош ҳисобланадилар. Кичик тадбиркорликнинг ривожланганлиги хизмат кўрсатиш соҳаси юқори даромадлилигининг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, Ўзбекистон Республикасида 2023 йил 1 январь ҳолатига хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида 266 мингдан ортиқ кичик корхоналар ва микрофирмалар мавжуд. Уларнинг хизматлар соҳасига оид фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг умумий сонидаги улуши 80,5 % ни ташкил этади. Республикадаги барча кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг эса 63,8 фоизга яқинини ташкил этади.¹ Ушбу ҳолат республикамизда кичик иқтисодиёт сектори амалда яратилган ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан хизматлар ишлаб чиқаришнинг кенгайиши хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминламоқда, деб хулоса чиқаришга имкон беради.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатдан яхшилаш бўйича қабул қилинган қарор ва фармонлари, шунингдек, бу соҳага берилаётган катта эътиборлар натижасида кичик тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 2005 йилдаги 38,2 фоиздан 2023 йилда 51,2 фоизга кўпайди. 2023 йилда кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодиётда иш билан бандлардаги улуши 74,1 фоизни, инвестицияларнинг 51,4 фоизини, импортнинг 50,7 фоизини, экспортнинг 29,0 фоизини ташкил этди.² Келтирилган маълумотлар таҳлили Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий кўрсаткичларини шакллантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши етарли даражада юқори эканлигини кўрсатди.

Кичик бизнес субъектлари томонидан Ўзбекистонда 2018-2023 йилларда ишлаб чиқарилган хизматлар ҳажми 84,4 трлн. сўмдан 224,4 трлн. сўмга ошган. 2023 йилда кичик тадбиркорлик субъектларининг кўрсатилган хизматлар умумий ҳажмидаги улуши 47,7 % ни ташкил қилди. Худудлар кесимида кичик тадбиркорлик субъектларининг хизматлар ҳажмидаги энг кўп улуши Тошкент (69,4 %), Қашқадарё (67,0 %), Фарғона (66,9 %), Наманган (66,4 %) ва Самарқанд (66,0 %) вилоятларига тўғри келди.³

Хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг таркибий қисми сифатида иқтисодий муносабатларнинг умумий тизимига киради ва умумий иқтисодий қонунларга бўйсунди. Лекин шу билан биргаликда, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларининг амал қилиши, уларда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш, унинг пировард натижаларини истеъмолчиларга етказиб бериш ва бошқа жиҳатларида ўзига хос хусусиятларга эга ва уларни қуйидагича ажратиш мумкин, деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, хизмат кўрсатиш соҳаси, моддий ишлаб чиқариш соҳаси билан таққосланганда, хом ашё ва асосий материалларга унчалик боғлиқ эмас. Шу билан бир

¹Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти. [Электрон ресурс]: URL:www.stat.uz. (кириш санаси: 20.04.2024).

²Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти. [Электрон ресурс]: URL:www.stat.uz. (кириш санаси: 20.04.2024).

³Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти. [Электрон ресурс]: URL:www.stat.uz. (кириш санаси: 20.04.2024).

вақтда унинг катта ишлаб чиқариш фондлари (уй–жой ва коммунал хўжалик, туризм ва санатория–курорт даволаниши) кенг миқёсда табиат ресурсларидан фойдаланишга мўлжалланган.

Иккинчидан, хизматлар турларининг хилма-хиллиги ва уларга илмий–техника тараққиёти турлича таъсир этиши билан характерланувчи турличалик кузатилади (сартарош, официант, массажистнинг хизматларига техника тараққиёти унчалик эътиборли таъсир этмайди ва юз йиллар давомида ўзгармасдан қолмоқда).

Учинчидан, хизматлар характери кўпинча ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчининг шахсий алоқасига асосланади, яъни хизмат кўрсатиш жараёнида инсон бевосита инсонга таъсир кўрсатади¹. Бу бевосита меҳнат ресурсларининг юқори сифатли бўлишининг муҳимлиги ва зарурлигини белгилайди. Хизматлар кўрсатувчи кўпчилик тармоқларда ходимларнинг юқори маълумоти ва касбий, малакавий даражаси, меҳнатининг ижодий, интеллектуал мазмуни билан белгиланади. Ушбу хусусият таннархнинг ҳисобланишини белгилайди, чунки, хизматларнинг ишлаб чиқарилиши ва кўрсатилиши бир вақтнинг ўзида амалга оширилади.

Масалан, сартарош ўз хизматини шу вақтнинг ўзида бажармасдан туриб миқдорнинг сочини ололмайди. Шу муносабат билан хизматлар (масалан, сартарошлик) кўрсатувчи айрим корхоналарда меҳнат унумдорлигининг оширилиши кўшимча ходимларни жалб этишни англатади, бу эса ўз навбатида, доимий харажатларни оширади. Шу билан бирга, компания бизнес жараёнини кўпроқ самарали жиҳозларга маблағ киритиш ҳисобидан оптималлаштириши мумкин.

Тўртинчидан, хизматларнинг буюртмачилари бўлгани ҳолда, кўпинча истеъмолчиларнинг ўзлари ресурс базасини ташкил этадилар, чунки, хизматлар ишлаб чиқариш жараёнининг бевосита иштирокчилари сифатида чиқадиладар. Масалан, тиббий хизматларни олишда истеъмолчи керакли ахборотни тақдим этиши, муаммони шакллантириши лозим, бир қатор ҳолатларда мутахассислар билан ечимларнинг эҳтимолий вариантларини муҳокама қилади, ва ниҳоят, бевосита қўллаш ва натижа олинишини таъминлайди. Бундан ташқари, хизматлар таклифига таъсир кўрсатиш ва ўзгарувчан талабга мослашиш мақсадида, сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш учун, сервис хизматининг ресурс салоҳиятини бошқариш, сервис корхонасининг кўшимча сифатида истеъмолчиларнинг ролини ҳам назарда тутати (ўз–ўзига хизмат кўрсатишни киритиш).

Бешинчидан, хизмат кўрсатиш соҳасида ресурс функциясининг муҳим хусусияти тадбиркорлик капитали айланишининг юқори тезлиги ҳисобланади.²

Бизнингча, ушбу хусусиятлар соҳада тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ўзининг яққол аксини топади.

Хулоса ва таклифлар. Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик ривожланиши ва унинг хусусиятлари бўйича ўтказилган таҳлил хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг кичик ва хусусий шакллари ривожлантириш заруриятининг миллий иқтисодий тимиз учун аҳамиятли бўлган йўналишлари сифатида ажратиб кўрсатиш имконини берди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг кичик ва хусусий шакллари ривожлантириш иқтисодийнинг бошқа тармоқларидан фаркли равишда камроқ меҳнат ва дастлабки босқичларда нисбатан кам капитал қўйилмалар талаб қилишлиги билан изоҳланади. Унга хўжалик юритишнинг ўзгарувчан шароитларига тез мослашуви, бошқарув тизимининг енгиллиги, бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларга жавоб сифатида фаолият турини ўзгартиришга сезгирлиги, бозорда у ёки бу хизматга талабнинг даражаси тўғрисида яхши хабардорлик ва бошқалар хосдир.

Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорликнинг ўзига хос хусусиятларининг мавжудлиги соҳада тадбиркорликни ривожлантириш дастурларини ишлаб

¹Мухаммедов М.М. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари.–Самарқанд: Zarafshon, 2017. -Б. 43.

²Лапуста М. Г. Предпринимательство. Учебное пособие. — М.: ИНФРА-М, 2003.

чиқишда уларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бундан ташқари хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг кичик ва хусусий шакллари ривожлантириш уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимига алоҳида эътибор қаратишни ҳам тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги Фармони. 28.01.2022 йил, ПФ № 60.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. uza.uz.
- 3.Boltabaev M.R., Qosimova M.S. Kichik biznes va tadbirkorlik. – T.: NOSHIR, 2011.
- 4.Исхакова С.А. Хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг хусусиятлари. “Иқтисод ва молия” журнали, №2, 2021.
- 5.Лапуста, М. Г. Предпринимательство: учебное пособие. — М.: ИНФРА-М, 2003.
- 6.Мухаммедов М.М. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари.–Самарқанд: Zarafshon, 2017.
7. Муфтайдинов Қ. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари: иқт.фан.док...дисс.Т. ЎЗМУ. 2004.
- 8.Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Т.: ТДИУ, 2010.
- 9.Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.:Шарқ, 2002.
- 10.Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти. [Электрон ресурс]: URL:www.stat.uz. (кириш санаси: 20.04.2024).

<p>С.Исхакова</p> <p>Возможности использования потенциала предпринимательства в развитии сферы услуг</p> <p>Аннотация: в статье анализируются возможности использования потенциала предпринимательства в развитии сферы услуг. Выявлены особенности предпринимательства в сфере услуг и разработаны предложения по развитию предпринимательства в этой сфере.</p> <p>Ключевые слова: предпринимательство, предпринимательская деятельность, предприниматель, сфера услуг, услуги, сервис.</p>	<p>S.Iskhakova</p> <p>Opportunities for using the potential of entrepreneurship in the development of the service sector</p> <p>Abstract: the article analyzes the possibilities of using the potential of entrepreneurship in the development of the service sector. It revealed the specific features of entrepreneurship in the service sector and developed proposals for the development of entrepreneurship in the sector.</p> <p>Keywords: entrepreneurship, entrepreneurial activity, entrepreneur, service industry, services, service.</p>
---	--

Zoxid Sobirovich Axmedov – JizPI katta o‘qituvchisi

TRANSPORT LOGISTIKASI XIZMATLARI SAMARADORLIGINI OSHIRISHDA INNOVATSION JARAYONLARINING QO‘LLANILISHI

<p>Annotatsiya: mazkur maqolada O‘zbekiston Respublikasini xalqaro transport magistrallariga ulanishi, mamlakatimizning transport mustaqilligini ta‘minlash va tashqi aloqalarni diversifikatsiya qilish orqali transport logistikasi xizmatlarini rivojlantirishning ahamiyati tadqiq etilgan. Milliy mahsulotlarni yetkazib berishda umumiy resurslarni o‘zaro bog‘liq faoliyat bilan taqsimlash, innovatsion texnologiyalarni qo‘llashni soddalashtirish, moddiy va nomoddiy aktivlarni jalb etish tranzaksiyon xarajatlarni kamaytirish orqali ma‘lum bir hududning raqobatdosh ustunliklaridan foydalanishda klasterlash turlarini takomillashtirish bo‘yicha tavsiyalar berilgan.</p> <p>Kalit so‘zlar: transport xizmatlari, xalqaro bozorlar, logistika, logistik ta‘minot, transport-logistika infratuzilmasi, logistik klasterlash, logistika jarayonlarini boshqarish, innovatsion tamoyillar.</p>

Kirish. Jahon xalqaro savdo va iqtisodiy aloqalarning globallashuvi, milliy mahsulotlarni mintaqaviy va xalqaro bozorlarga chiqishini ta‘minlash xizmatlarining bozori holatini baholash,

ISSN 2091-5187

❧ “СЕРВИС” ❧

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

27.05.2024 йилда теришга берилди. 14.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.